XALQ DEPUTATLARI KONIMEX TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 30 - dekabr VI-54-181-5-70-K/22 Konimex tuman hokimligi

Туманда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтиш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва самарали бажарилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича “йўл харитаси”нинг 18-бандида барча вазирлик ва идораларга **2022 йил декабрь ойига қадар** иш қоғозлари, турли бланкларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш, шунингдек, **21-бандида 2023 йил 1 январдан бошлаб** ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиётини тўлиқ жорий қилиш каби вазифаларни амалга ошириш кўрсатилган.

Шунингдек, “Йўл харитаси”нинг 19-бандида мамлакатимиздаги жой, кўча, атамалар, ташкилотларнинг номлари, пешлавҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонларни тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича “йўл харитаси”нинг 18 ва 21-банди ижроси бўйича тумандаги 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда ижроси, хусусан, иш юритилиши, ўзбек тилининг асосий имло қоидаларига риоя қилиниши ва ҳужжат айланиши ҳолати ўрганилди.

Барчага намуна сифатида туман адлия бўлими ва унинг тизимидаги ташкилотларда иш самарали йўлга қўйилган. Фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилиши, ФҲДЁ органида фуқаролик ҳолатлари қайд этилиши, юридик хизматлар тақдим этилиши давлат тилида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида амалга оширилмоқда**.**

Шунингдек, туман ҳокимлиги, халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси, молия бўлими, маданият бўлими, қурилиш бўлими, халқ таълими бўлими ва

унинг тасарруфидаги умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим бўлими ва унинг тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, фавқулодда вазиятлар бўлими, тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарори ижроси йўлга қўйилган.

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларига, туман тиббиёт бирлашмаси, туман йўллардан фойдаланиш УК, туман санитария эпидемиология осойишталик маркази, 19, 9, 7, 31-сон умумтаълим мактабларига, туман электр таъминоти корхонаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати- Ўзбекистон либерал-демократик партияси Навоий вилоят ҳудудий партия ташкилотининг туман Кенгашига тушунтириш ишлари амалга оширилиб, лотин ёзувида Иш юритиш китоблари берилди.

Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг Навоий вилояти ҳудудий бўлинмасида давлат тилида иш юритиш асослари бўйича ташкил этилган малака ошириш курси ўқув машғулотларида 2022-2023 йилнинг 6 ойи даврида 40 нафар иш юритиш учун масъул ходимнинг рўйхати шакллантирилди. Шунингдек,“Йўл харитаси”нинг 19-бандида 2022 йилнинг 1 декабридан мамлакатимиздаги жой, кўча, атамалар, ташкилотларнинг номлари, пешлавҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонларни тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган.

Ушбу банд ижроси юзасидан реклама баннерларини чоп этиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субектларига реклама матнини чоп этишда меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга қатъий амал қилиш юзасидан, расмий хат орқали тегишли тавсиялар берилди, Конимех марказий деҳқон бозори ҳудудида жойлашган 49 нафар тадбиркорга огоҳлантириш хатлари тарқатилди.

“Йўл харитаси”нинг 20-бандида 2022 йилнинг декабр ойида “Марказий, маҳаллий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари, нашриётлар, матбаа корхоналари фаолиятини тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтказиш” вазифаси тегишли масъулларга юклатилган.

“Кенимех тани” даврий нашри (газетаси) уч (ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ) тилда 8 саҳифада нашр этилмоқда. 2023 йилдан газета материаллари кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бериб борилиши тавсия этилди. “Йўл харитаси”нинг 20-банди ижросини таъминлаш мақсадида газетанинг ўзбек саҳифаларини ҳамда туман ҳокимлиги расмий веб- сайти ва konimex.uz телеграмм каналини тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этиш чораларини кўриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича “йўл харитаси”нинг 21-бандида 2023 йилнинг 1 январидан ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиётини тўлиқ жорий қилиш вазифаси белгилаб қўйилган.

Туманда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтиш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва самарали бажарилиши юзасидан туман ҳокими маслаҳатчисининг 2022 йил 27 декабрдаги билдиргисини кўриб чиқиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туманда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтиш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва самарали бажарилиши юзасидан туман ҳокими маслаҳатчиси Г.Наринбетованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2.Туман ҳокими маслаҳатчиси (Г.Наринбетова) тегишли корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган “йўл харитаси”да белгиланган топшириқлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширсин. Жумладан:

2023 йил 1 январдан бошлаб ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиётини тўлиқ жорий қилиш каби вазифаларни амалга ошириш;

“Йўл харитаси”нинг 19-бандида мамлакатимиздаги жой, кўча, атамалар, ташкилотларнинг номлари, пешлавҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонларни тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича “йўл харитаси”нинг 18 ва 21-банди ижроси бўйича тумандаги корхона ва ташкилотларда ижроси, хусусан, иш юритилиши, ўзбек тилининг асосий имло қоидаларига риоя қилиниши ва ҳужжат айланиши ҳолатини ўрганиш;

2023 йилдан “Йўл харитаси”нинг 20-банди ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий газетанинг ўзбек саҳифаларини ҳамда туман ҳокимлиги расмий веб- сайти ва konimex.uz телеграмм каналини тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этиш чораларини кўрсинлар.

3.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Қ.Шамшиев), туман ҳокими маслаҳатчиси (Г.Наринбетова) ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Кенжаева) зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Р.Рўзиев**